

Уламолар ҳақида фақат яхши гумонда бўлиш



09:41 / 05 декабрь 502

Биз бу уммат билан фахрланамиз, бошқа ҳеч бир умматнинг бундай шарафли тарихи йўқ деб биламиз. Улар эса тарихга шубҳа билан қарашади, дин пешволари ҳақида нолойиқ гаплар айтишади, ақийда борасида айблар тўқишади. Биз эса барча уламолар ҳақида фақат яхши гумонда бўламиз.

Бу буюк зотларда тарбиявий-тасаввуфий мактаблар бўлган; ҳанафий, моликий, шофеъий ва ҳанбалий фикҳий мазҳаблари бўлган; мотуридия ва ашъария ақийдавий мазҳаблари бўлган. Мана шу тўғри йўлдир. Мана шу йўлдан юриб, муслмонлар ер юзига ҳукмрон бўлишди, раҳбар бўлишди, устоз бўлишди. Ислом ўзининг беқиёс ўрнига эга бўлди.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.